
**Байрамга муносиб тухфа: Бош қомусимиз шодиёнаси арафасида
Меҳрибонлик уйининг яна бир собиқ битиравчиси ўз хонадонига эга
бўлди**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда ота-она қарамоғидан маҳрум
бўлган болалар ва Меҳрибонлик уйлари битиравчилари ҳам давлат томонидан уй-
жой билан таъминланиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун шароит яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 32 йиллиги
байрами арафасида Ўзбекистон туманида Меҳрибонлик уйининг яна бир собиқ
битиравчиси Раҳмонбек Асқаров ўз уй-жойига эга бўлди.

Туман сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринbosарлари, “Инсон” ижтимоий
хизматлар маркази масъуллари ва нуронийлар 20 ёшли йигитнинг ҳаётидаги
ушбу унутилмас кунда унинг шодлигига шерик бўлдилар.

Шинам ва кўркам хонадон калити ҳамда янги майший техника жиҳозлари, мебел
жамланмалари ўз эгасига топширилди. Раҳмонбекни кўплаб тенгдошлари каби
келажакда юрт тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшувчи инсон бўлиб етишишига
эзгу тилак ва дуолар қилинди.

2024-12-07 22:57:27